



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Доцентлар

Даволаш факультетига қарашли "Ички касалликлар пропедевтикаси ва гематология" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Факультет ва госпитал жарроҳлик №2" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Ички касалликлар №3" кафедраси

Катта ўқитувчилар

Даволаш факультетига қарашли "Болалар касалликлари № 2" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Анестезиология ва реаниматология" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Акушер гинекология № 2" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Фтизиатрия" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Одам анатомияси ва ОЖТА" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Коммунал ва меҳнат гигиенаси" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Одам анатомияси ва ОЖТА" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Эпидемиология" кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли "Тери-таносил касалликлари" кафедраси

Ассистентлар

Даволаш факультетига қарашли "Ички касалликлар пропедевтикаси ва гематология" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Хирургик касалликлари" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Факультет госпитал жарроҳлик № 1" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Акушер гинекология № 2" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Болалар касалликлари № 2" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Факультет ва госпитал терапия № 1" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Факультет ва госпитал терапия № 2" кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли "Акушер гинекология № 1" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик № 2" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Юқумли ва болалар юқумли касалликлари" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Гистология ва тиббий биология" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Коммунал ва меҳнат гигиенаси" кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш муддати эълон қилинган кундан бошлаб бир ойда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади. Манзилими: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

ШАРҚ РИВОЯТЛАРИ

ИБН СИНО БАШОРАТИ

Абу Али ибн Сино подшоҳлардан бирини касалини даволаб тузатгандан кейин, подшоҳ тила тилагингни, деганда, Сино:

– Кутубхонангиздаги китоблардан фойдаланишга руҳсат этсангиз кифоя, - деган экан.

Буни эшитган амалдорлардан бери ёнидагига:

– Бу табиб девонароқ, шекилли. Соғ бўлса, вазирликни сўрамай, бир уй қоғоз сўрармиди! – деган экан.

ТАБИБ, БЕМОР ВА КАСАЛЛИК

Абу Али ибн Сино ўзи даволаётган касалларга шундай деяр экан:

– Биз уч тарафимиз: мен – табиб, сен – бемор ва у – касаллик. Агар сен мен тарафга ўтсанг, иккаламизнинг уни энгишимиз осон кечади. Аммо сен ҳам у томонга ўтиб олсанг, бир ўзимнинг иккаларингизни энгишим қийин бўлади...дан фориг бўлади, – дейди.

Тўпловчи: **Д.НИЗОМОВА,**
6 курс талабаси

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси Умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси доценти Атаков Сарвар Султанбоевичга оналари

Раъно Шораҳметовна АҲМЕДОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси Анатомиа, клиник анатомия ва оператив жарроҳлик асослари кафедраси, кафедра профессори Шомирзаев Наджибулла Ҳабибуллаевичга синглиги Болалар касалликлари кафедраси собиқ ассистенти

Маптуха Ҳабибуллаевна ШОМИРЗАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirova, D. Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV kompyuterida sahifalandi va Toshkent Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida 400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda 02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun mualliflar javobgardir

Topshirish vaqti: 14.00

НАВРЎЗ ХОЛИС НИЯТЛИ КИШИЛАРНИНГ СЕВИМЛИ АЙЁМИ



Фасллар келинчаги бўлмиш баҳор юртимизга ўзи билан бирга қатор байрамларни бошлаб келади. Кўкларнинг тароватини қалбларимизга янада чуқурроқ кириб боришида халқимизнинг миллий байрамларидан бири Наврўзнинг ўрни бекиёсдир. Дарҳақиқат, ўзбек халқи маданий ҳаётида байрамлар, маросимлар, турли урф-одат ва аънаналар алоҳида ўрин тутди. Бу тадбирлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олувчи, ижтимоий муносабатларни намоён этувчи ахлоқий тамойилларнинг тарихан шаклланиб келган мажмуаси ҳисобланади. Ана шундай айёмлардан бири Наврўздир. Қариялар таъбири билан айтганда: Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан холи бўлган, узоқ ўтмиш замонлардан буён қадриятларимиз тимсоли бўлиб келаётган хосиятли бир айём, яшариш ва янгиланиш фаслидир.

Ўзбек халқининг алломаларидан бири Абу Райҳон Беруний "Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар" китобида Қўёш йили ҳисобида йилнинг биринчи ойи деб саналган Фарвардин ойи тўғрисида сўзлаб: "Бу ойнинг биринчи куни Наврўздир", — дейди. — Наврўз йилнинг биринчи куни бўлиб, унинг форсча номи ҳам шу маънони англатаркан.

Дарҳақиқат, қадим-қадимдан Наврўз холис ниятли кишиларнинг сеvimли айёми бўлиб келган. Ўша кунларда ҳатто уруш-жанжаллар ҳам тўхталган, гина-кудуратлар кечириб юборилган. Шоҳлар эл ичидан энг муносиб кишиларни тақдирлашган, айрим маҳбусларнинг гуноҳидан ўтишган.



БАЙРАМ ТАБРИГИ

Уйғониш ва янгиланиш, қут-барака элчиси Наврўзи айём шукуҳидан диллар яйрамоқда. Тинч ва осойишта юртимизга тўй-томошалар, байрамлар ярашади.

Айтиш жоизки, Наврўз ўзаро қадр-қиммат, хайру саховат, меҳр-оқибат тимсолидир. Эзгулик, саховатга йўғрилган уйғониш, яшариш айёми бу йил дилларимизни яна қувончу шодликка чулғади. Наврўз халқимизни тинчлик, баҳамжиҳатлик, хайру саховатга чорламоқда.

Хурматли ўқитувчи-профессорлар, талаба-ёшлар! Сизларни мана шу гўзал, тароватли Наврўз айёми билан чин дилдан қутлайман. Сизларга аввало соғлиқ-омонлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат тилайман. Илмий изланишларингиз ва ўқишларингизда омад ёр бўлсин. Наврўзи оламнинг ҳаётбахш нур-зиёси қалбингизни поклаб, нурафшон айласин.


Л.ТҶЙЧИЕВ,

Тошкент Тиббиёт академияси ректори

(Давоми 2-бетда.)



**Наврўз – янгиланиш, янги кун, янги ҳаёт,
поклик ва шодлик, маънавият
ва бирдамлик тантанаси.**



НАВРЎЗ ХОЛИС НИЯТЛИ КИШИЛАРНИНГ СЕВИМЛИ АЙЁМИ



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, озодлик халқимизга сўз ва фикр эркинлиги билан бирга миллий қадриятларимизни ҳам қайтариб берди. Биз ҳурфикрлик, миллий ғурур, маънавият, Наврўз каби тушунчаларнинг асл мазмун-моҳиятини англаб етдик. Наврўз Биринчи Президентимиз ташаббуси билан умумхалқ байрами сифатида қайта тикланди. Эндиликда маънавий-маданий қадриятларимиздан бири бўлмиш ушбу айём том маънода халқимиз камолоти йўлида хизмат қилмоқда.

Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш замирида инсоний қадриятларни янада камол топтириш, миллий ғурурни мустаҳкамлаш, дўстлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқатни улуғлаш, маданий ва тарихий анъаналарни давом эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удумларни эъзозлаш ётади. Наврўз байрами ўтказиладиган 21 мартни дам олиш куни деб эълон қилиш, фуқароларнинг, жамоаларнинг Наврўз байрамини ўтказишдаги ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, ҳар бир фуқарога иззат-икром, айниқса, қариялар, болалар, беморлар, ногиронлар, бева-бечоралар, етимларга меҳр-мурувват кўрсатишга алоҳида эътибор бериш,

кўшни давлатлар билан дўстлик, ҳамкорлик, маданий алоқаларни кучайтириш, меҳмондўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, миллий ғурурни кўтариш, ҳамжиҳатлик, биродарлик, меҳр-шафқат, тинч-тотувлик мақсадлари ва ғояларига йўналтириш кабилар шулар жумласидандир.

Маданий меросимиз, анъаналар, урф-одатларимиз биз учун нафақат ўтмишдан ёдгорлик, балки алломаларимиз таъкидлаганидек, инсон ақл-идроки, тафаккурининг буюк маҳсулидир.

Наврўз асрлар давомида инсонларда она заминга, табиатга муҳаббат уйғотган ҳамда меҳроқибат, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат каби туйғуларни тарбиялаган. Қадим-қадимдан Наврўз арафасида ҳашарлар ўтказилган, ободончилик ишлари амалга оширилган. Шунингдек, ёру биродарлар, қариндош-уруғлар дийдор кўришишган. Байрам тантаналарида миллий маданият, санъат, пазандачилигимизнинг ёрқин намуналари намойиш этилган. Наврўз миллий тарбиянинг асосий тамойиллари билан йўғрилган халқ байрами. Унда ўтказилган кураш, дорбоз, кўпқари каби миллий томошалар ёшларни жасурлик, эпчиллик, мардлик руҳида тарбиялашга хизмат қилган. Байрамнинг бош — шоҳона таоми ҳисобланган сумалак ризқ-рўз, мўлкчилик рамзи бўлган. Сайлларда



кексаю ёш лапар, миллий кўшиқ, дostonу эртақлар айтиб, халқ оғзаки ижоди дурдоналари орқали эзгулик, меҳр-мурувватни тараннум этган.

Миллий маънавиятимиз мезонлари негизда шаклланган ва умуминсоний ғоялардан баҳраманд бўлиб келаётган Наврўз айёми халқимизнинг энг азиз миллий байрами ҳисобланади. У қалбимиздаги эзгу амалларни уйғотади. Ободлик, бунёдкорлик, яратиш, қуриш каби тамойилларнинг жамиятда барқарор бўлишини таъминлайди.

Кўпни кўрган кексаларимиз Наврўз қандай нишонланса, йил давомида шундай кайфият ҳукм суришини таъкидлайдилар. Наврўзни англаш ўзликни англаш дея таърифланади.

Шу жиҳатдан Наврўз байрами элимизда ободлик, тотувлик, миллатлараро аҳиллик, бағрикенглик рамзи, қалбларимизда эзгулик уйғотадиган ҳақиқий шарқона байрам бўлиб қолаверади.

Тошкент Тиббиёт академияси хотин-қизлар кўмитаси кўп миллатли жамоамизни миллий байрамимиз - Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади. Наврўз — сиҳат-саломатлик, дастурхонларингизга тўкинлик ва юртимизга тинчлик ҳамда кўплаб шодиёналар тортиқ этишини тилаймиз.

Лола АБДУКАДИРОВА,
ТТА ХҚҚ раиси

Йил мобайнида дастурхонимиздан турли хил кўкатлар ва сабзавотлар узилмайди. Чунки улар бизнинг вужудимизга фойдали ва зарурий бўлган дармондорилар, микроэлементлар ва қувватбахш заҳиралар манбаи ҳисобланади. Айниқса ҳозирги баҳорий уйғониш ва "илик узилди" даврида кўкатлардек неъматларнинг танамизга асқотиши, шубҳасиз.

Петрушка беозор сабзавот бўлиб, ҳар қандай тупроқли ерда ҳам ўсверади. У мева ва сабзавотлар орасида минерал моддаларга бойлиги билан ажралиб туради. Петрушканинг барглари таркибида калий, кальций, темир, магний, томирлариди эса, фосфор, марганец, молибден, литий мавжуд. Шунинг учун, парҳезиunos шифокорлар уни сабзидан кейинги ўринга қўядилар. Бундан ташқари унинг баргларида витамин С, эфир мойлари, томирлариди эса В1, В2, РР витаминлари мавжуд.

Халқ табиатида петрушканингда жуда унумли фойдаланилади. Петрушканингда ҳамма қисмлари (томири, уруғи, барги) шифобахшдир. Таркибида петрушка кўп бўлган дориворлар бачадон тонусини оширади, пешоб қочқаси, ошқозоннинг иш фаолиятини яхшилайди, сийдик йўлларидаги қум ва тошларни эритади, организмдаги тузларни ҳайдайди.

Камқонликда ҳар куни икки-уч боғ петрушка қора нон билан истеъмол қилинса, беморларга жуда сезиларли таъсир кўрсатади.

Шиш, қовуқгазак, буйрақлар ишини яхшилаш учун кунига уч-тўрт маҳал петрушка баргидан тайёрланган дамлама қабул қилиш лозим.

Пешоб-тош касалликлариди кунига уч маҳал бир ярим пиёладан петрушка илдизидан дамлама тайёрлаб ичилади. Бунинг учун бир ош қошиқ қуруқ, майдаланган петрушка илдизи устидан икки пиёла қайноқ сув қуйиб, икки соат давомида тиндирилади. Сунг доқадан ўтказиб, белгиланган тартибда ичилади.

Бўғимларда туз йиғилганда бир чой қошиқ янги петрушка уруғини майдалаб, устидан икки пиёла қайноқ сув қуйилади. Саккиз соат тиндирилиб, доқадан ўтказиб олинади. Ҳар икки соатда икки-уч ош қошиқдан уч-тўрт кун давомида ичилади.

Диққат! Бундай дамламани ҳомиладор аёллар қабул қилишлари мумкин эмас.

Қуриш қобилияти пайсалга мунтазам равишда ётишдан олдин кўзларга ингалация қилинади. Бунда сирли идишга икки ош қошиқ майдаланган петрушка илдизларини солиб, устидан бир пиёла қайноқ сув қуйиб, паст оловда қайнатилади. Идишни оловдан олиб кўзлар идишдан чиқаятган бугта эҳтиёткорлик билан тutilади. Гастритда кунига уч маҳал икки ош қошиқ янги сикилган петрушка сувини ичиш фойдали.

Петрушка салат, шўрва каби турли хил таомларга қўшилади. У тухумли, сабзавотли таомларга хушбўйлиги учун картошка, пишлок билан бирга солинади. Петрушка илдизини сувда пиширилган балик, димланган гўштга қўшиш мумкин.

Халқ табиатида петрушка уруғларидан сийдик ҳайдайдиган ва терлатадиган восита тариқасида фойдаланилади, уларни ҳайз бузилиб, оғриқ бўлиб турадиган маҳалларда, простата бези ва қовуқ яллигланган пайтларда буюрилади. Янги барглари янчиб ёки пахтали барглари сувига ҳўллаб туриб ҳашаротлар чаққан жойларга қўйилади, бадандаги сепкил ва доғларни йўқотиш учун ишлатилади. Сепкилларни йўқотиш учун петрушка қайнатмасига лимон суви аралаштириб, эрталаб ва кечкурун юз ювилади. Ибн Сино петрушка "битиб қолган жойларни очади, одамни терлатади, оғриқларни босади, ўсмалар энди пайдо бўлиб келаётганида уларни йўқотиб юборади, нафас қийинлашиб, одам йўталганида ёрдам беради, жигар ва талоқ учун фойдалидир, сийдик ҳайдайди ва ҳайзини кўзгатади, буйрак, қовуқ ва бачадонни тозалайди" деб ёзган. Ибн Сино фикрига қараганда, петрушка заҳарлар кучини қирқадиган хоссага эга — илдизларидан тайёрланган қайнатма "дорилардан, кўроғишдан ўлар даражада заҳарланишда даво бўлиб наф беради".

Энг эрта пишар полз экинларидан яна бири — бу редисқадир. Дастурхонимизда редисқанингда пайдо бўлиши баҳор фаслининг кириб келганидан дарак беради. Редисқанингда шифобахш хусусиятлари ҳаммага аллақачон маълум ва машҳур бўлиб бўлган. У дармондориларга, айниқса аскорбин кислотасига, минерал тузларга бойдир. У вужудимизда овқат ҳазм бўлишини яхшилайди, сафро ва пешоб ҳайдовчи восита сифатида таъсир қилади. Унинг таркибидидаги хантал мойи эса ичакдаги микробларни ўлдириб, йирингли фасолларни бартараф қилади.

Агар тишларингизнинг эмал қатлами зарарланган бўлса, милкларингизнинг ораларидан қон чиқиб безовта қилса овқатдан олдин ёки кейин



КЎКЛАМОЙНИНГ КЎК ШИФОЛАРИ




кўкатларни обдон чайналса яхши самарага эришиш мумкин. Муолажадан сўнг оғзини чайшни нутмаслик лозим.

Кўкатлар табиий анти-бактериал, софлаштирувчи ва хидларни даф қилувчи хусусиятларга эга бўлиб, тананингда бошқа дори воситалари етиб бориши қийин бўлган жойларга сингиб боради. Шунингдек, милкларнинг мустаҳкамлигини сақлайди. Бундан ташқари оғиз бўшлиғида эзиб чиқарилган кўкат шарбати ошқозон-ичак тизимига тушиб, унинг фаолиятини янада яхшилайди.

Полз экинлари ичида салат ўсимлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу тез пишар ўсимлик таркибида шифобахш моддалар, дармондорилар, микроэлементлар ва органик кислоталар мавжуд. Масалан, салат шарбати овқат ҳазм қилишни ва танада моддалар алмашинувини яхшилайди, асаб тизимини тинчлантиради ва уйқуни муътадиллаштиради. Салатнинг янги олинган шарбатидан халқ табиатида сурункали гастритга қарши курашувчи восита сифатида фойдаланилган. Салат ичак деворларини мустаҳкамлайди, қон таркибидида қанд моддасини камайтиради ҳамда танадан холестериннинг чиқиб кетишига сабаб бўлади. Қадимда юнонлар салат шарбатини бугунги ишларига қарши қўллашган. Уруғидан тайёрланган дамламалар эмизликки оналарга сут миқдорини ошириш мақсадида тавсия қилинган.

Баҳорий дастурхонимиздаги ҳаммабон сабзавотлар қаторида бодринг ҳам зарурий неъматлардан ҳисобланади. Сабзавотлар ичида энг "сервус" (унинг таркибидида сув миқдори 90 %дан орткини ташкил этади) бўлишига қарамай, унинг таркибидида кўпгина фойдали моддалар (крахмал, шакар, оксил, клетчатка, органик кислоталар, эфир мойи, А,В,С, РР, Е, Н дармондорилари ва калий, кальций, натрий, магний, темир, фосфор, йод, олтингурут, қалай, мис, фтор, хром, алюминий) ҳам мавжуд. Муҳими шундаки, бодринг таркибидидаги йод бизнинг организмимизга жуда осон сингади. Шунингдек, бодринг овқат ҳазм қилиш безларининг фаолиятини ва сўлак ажралишини меъёрлаштириб, оксил моддасини янада яхшироқ ўзлаштирилишини таъминлайди. Шунинг учун бодрингнинг сувли бўлакчалари таомни нафақат қайроғли ва хуштаъм қилади, балки ҳазмини ҳам яхшилайди. Нима учун уни ҳаммабон сабзавот деб ҳисоблашади? Чунки, унинг шарбати йўталда, бўғим касалликлариди, юрак билан боғлиқ ишларда яхши наф беради ва асаб тизимини тинчлантиради, мағзи ични енгил юмшатади, юзлар ранги ва тинчлигини сақлайди, тери куйиши ҳамда ишлариди ёрдам беради, пўстининг қуришиб эзилгани тери касалликлари ва тошмаларда, куйганда ёрдам беради. Демак, наботот олами нафақат инсон дардини даволашда, балки унинг ташқи гўзаллиги ва кўринишини сақлашда ҳам кони фойда эканлигини нутмаслигимиз лозимдир.

Тўпловчи: Н. НУРИДДИНОВА,
доцент



СПОРТЧИ, ШИФОКОР, ПЕДАГОГ ВА ОЛИМА АЁЛЛАР ЭЪТИРОФИ

Диёримизга баҳор фасли нафосат ва гўзаллик тимсолида ташриф буюрар экан, бутун борлиқда уйғониш ва янгиликларга гувоҳ бўлишимиз билан бир қаторда, бир қўлида бешиқни, иккинчи қўлида эса дунёни тебратишга қодир бўлган мунис онахонларимиз, гўзал ва мафтункор опа-сингилларимизнинг фаолиятларида баҳор фаслига ҳамоҳанг янгиликлар ва юксалишларни кўриб баҳри-дилимиз очилиб, кўз ўнгимизда гўёки Тўмарис, Бибихоним, Нодирабегим, Увайсий каби буюк сиймолар гавдаланади.



Мустақиллик йилларида хотин-қизларимизнинг жамиятдаги мавқеи янада мустаҳкамланиши билан бир қаторда уларнинг тутган роли ва самарали фаолият сарҳадлари ҳам кенгайиб бордики, буни бугунда нафақат Ўрта Осиё, балки, хорижий минтақалараро етакчи олий даргоҳ – Тошкент Тиббиёт академиясининг бугунги кундаги ўз нуфузини тобора мустаҳкамлаб бориши замирида 55,8% ташкил этувчи академия аёллар жамоаси ва 1292 нафар талаба қизларининг ўрни ва роли беқиёсдир.

Фикримизнинг ёрқин мисоли сифатида, баҳорнинг илк кунлариданоқ, яъни 2017 йилнинг 1 март куни, ғайрати ва шижоати йигитларимиздан қолишмайдиган шўх-шаддод талаба-қизларимиз ўртасида Тошкент Тиббиёт академияси “Шифокор” спорт мажмуасида “Қизлар гимнастрада” спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

ТТА маънавият ва маърифат бўлими ва ТТА хотин-қизлар кенгаши бошлангич ташкилотни ҳамкорлигида бўлиб ўтган бу мусобақа талаба-қизларнинг маънавиятини юксалтириши, соғлом оилани шакллантириши спортнинг гимнастика турига қизиқиш уйғотиш мақсадида ташкиллаштирилди.

Мусобақа даволаш факультетининг “Хумо”, тиббий-педагогика факультетининг “Medical star”, тиббий-профилактика факультетининг “Five star” ва ОМХ факультетининг “Ишонч жамоаси” жамоаларининг 3 босқич, яъни, жамоа таништируви, кувноқ стартлар ва шейпинг босқичлари асосидаги беллашуви негизда бўлиб ўтди.

Мусобақада Олмазор туман ҳокимлиги хотин-қизлар бўлими масъул ходими

М. Тошпўлатова ва ТТА хотин-қизлар кенгаши раиси в/б Д.Бердиева, ТТА спорт мажмуа директори Ш.Ёрматов ва факультет фаоллари ҳакамлигига кўра, шейпинг бўйича ОМХ факультетининг “Ишонч жамоаси” ва “Кувноқ стартлар” йўналишида даволаш факультетининг “Хумо” жамоаси ғолибликни қўлга киритди ва жамоалар фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирланиб, ОМХ факультетининг “Ишонч жамоаси” туман босқичига йўлланма олди.

Бўлиб ўтган спорт мусобақаси улашган аъло кайфият ва хуш табассум 2017 йилнинг 3 март кундаги ТТА маънавият ва маърифат бўлими томонидан ташкил этилган 8 март – халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ташкил этилган бадий кеча тантаналари билан улашиб кетди. Пойтахтимиз марказидан ўрин олган рус Давлат академик драма театрида ташкил этилган бадий кечада академиямизда кўп йиллардан бери фаолият юритиб келаётган аёл профессор-ўқитувчиларимиз муносиб тақдирланиб, тантанали байрам дастури ва театр жамоаси томонидан “Тётки” номли комедик спектакли томошаси беқиёс таассуротлар қолдирди.

ТТА ректори Л.Тўйчиев ва академия маъмурияти томонидан академиямизда узоқ йиллардан буён самарали фаолият юритиб келаётган аёл профессор-ўқитувчилар ва ходимлар жумласидан Насриддинова Наима Набиевна (тиббий педагогика факультетининг факультет ва госпитал терапия кафедраси профессори), М.Рустамова (1-ички касалликлар кафедраси профессори), Сабирова Рихси Абдукадировна (Тиббий ва био-

логик кимё кафедраси профессори), Ҳалимова Ҳанифа Муҳсиновна (Асаб касалликлари кафедраси профессори), Бабажанова Гулжаҳон Саттаровна (Акушерлик ва гинекология кафедраси профессори), Қодирова Маъсуда Абдукаримова (Информатика, биофизика ва нормал физиология кафедраси доценти), Худайбергана Ноила Ҳамитовна (УАШ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кафедраси ассистенти), Сатибалдиева Насиба Ражабовна (1-болалар касалликлари кафедраси ассистенти), Абдусагатов Шаҳноз Шукуровна (2-болалар касалликлари кафедраси доценти), Раҳматова Фатима Ўткировна (1 ички касалликлар кафедраси ассистенти), Усмонова Шаҳноза Фахриддиновна (академик лицей ва касб-ҳунари коллежлар билан ишлаш бўлими бошлиғи), Шермухаммедова Наргиза Суратовна (илмий бўлим услубчиси), Худдиева Гулчехра (АРМ бўлими ходими), Шоисломова Умида Шомуратовна (Тест маркази услубчиси), Зоидова Шаҳноза (7 ТТЖ комеданти), Қодирова Феруза Собировна (“Шифокор” спорт мажмуаси фарроши), Илясова Рухсора Илҳомовна (режа ва молия бўлими услубчиси), Алимова Сабоҳат Газиевна (Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси) лар хизматлари муносиб эътироф этилиб эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Т.БОБОМУРАТОВ,
ТТА маънавият ва маърифат
ишлари бўйича проректор
Р.ПОЛВАНОВ,
маънавият ва маърифат бўлими
услубчиси

ҲАР КУНИНГ НАВРЎЗ ЎЛИБ , ҲАР ТУНИНГ ҚАДР ЎЛСИН!

*Нечун кўктам мадҳи тушмас газалдан,
Шоирлар баҳорни куйлар азалдан.
Табаррук чолларнинг чаккасида гул,
Момолар уйда баҳордир нукул.
Бир лаҳза яшарар қари кўргонлар,
Ажиб дилбар бўлиб қолар инсонлар.
Баҳор норасида гўдакдек ширин,
Қўйнида эзгулик, армон яширин.*

деган эди улуғ шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин). Юртимизда баҳор кезиб юрибди, гўдакдек маъсум, онадек меҳрибон, отадек сарҳадли, сингилдек муниса...Адолатсизлик, истибодга қарши бош кўтарган исёнкор қалб соҳиби каби ирқит қорларни тагидан бойчечаклар бош кўтараётган, бинафшалар, чучмомалар, исмамоқлар, момақаймоқлар илоҳий ранг олаётган, Аллоҳнинг жамийки махлуқот ва мавжудотларига қувват, шиддат ва шижоат бераётган кутлуғ кунларнинг остонасида турибмиз.

*Майсадаги шудринлар, кимларнинг кўз ёшлари,
Гиёҳ билан қопланмиш кўҳна қабр тошлари.
Бу ерда ётар отам ёвқур элатдошлари,
Ҳар баҳор эслар уни қаъму-қариндошлари,
Кетма баҳор, менинг боғимдан*

деган эди бу даврлардан мутаассир бўлиб кўзлари ёшланган яна бир улуғ шоиримиз, бахшитабиат инсон – Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон (Аллоҳ бу зотни ҳам раҳмат булоғига чўмилтирган бўлсин). Дарҳақиқат, кўктамнинг ифори келиб тоғу тош, боғу роғ, ҳаттоки буюк бобо-момоларимизни бағрига олиб, аллалаб ётган кўҳна қабрлар устида ҳам гиёҳлар омонатгина тебраниб, саловот ва дуруд айтиб турибдилар. Янги куннинг – Наврўзнинг илоҳий қадамларини ҳис этиб бир ҳафтадан буён ҳовлимда булбуллар сайрамоқдалар. Бу митти ва илоҳий замондошларимга қараб тунлари кўзларимдан уйқу қочиб, ҳайратланиб ўтираман, кўпчилик одамлар етолмаган шундай кутлуғ кунлар остонасига етказгани учун бетиним шу-кроналар қиламан. Эснаб, кўзларини ишқалаб митти чумолилар ҳам ҳовлим саҳнида ризқ-рўзини излаб юрибдилар. Яқинда йўлимиз тушиб Жиззах вилоятига бориб келдим, лайлақорлар жўшиб ёғаетганлигига қарамасдан, улкан симёғочлар устидаги маҳобатли инларида лайлақлар битта оёқда туриб, тобора яқинлашиб келаётган Наврўзи оламга таъзим қилмоқдалар. Ҳар йили уйимдаги 16 та қалдирғоч уясини тўлдириб, сариқ оғизчаларини бетиним очадиган жимит полопонларни эслаб юрагим ҳаприқиб кетаяпти. Халқимизнинг энг ардоқли шоирларидан бири, оилавий қадрдоним, марҳум Муҳаммад Юсуф ушбу дилтортар ва маҳзун шеърини айнан мана шу фаслда битган бўлса не ажаб:

*Келда энди соғинтирмай одамни,
Сен йўғингда бир ўй босди елкамни,
Қорлар кураб қўмиб келдим отамни,
Кўктамойим, кўкингдан бер бир чимдим.
Кўкинг билан кийинтирай даламни.
Оёқланг сунтирай боламни.*

*Ўзинг олгин кўксимдаги аламни
Кўктамойим, кўкингдан бер бир чимдим.
Жон устида асраб юрай кўкни мен,
Тўйиб-тўйиб кўзга сурай кўкни мен.
Яна сенга етаманми-ўйқми мен,
Кўктамойим, кўкингдан бер бир чимдим.*







Баайни шайх Жалолоддин Румий янглиғ бутун башариятни ардоқлаб бошига кўтарган Мир Алишер Навоий “Ҳар кунинг Наврўз ўлиб, ҳар тунинг қадр ўлсин” деганларида умримиз худди Наврўз каби яшариб, янгилиниб, илҳомланиб, қуёшларга тўлиғ бўлиб, тунларимиз эса Лайлатул қадр кечасидек Минг ойдан баракалироқ бўлишини назарда тутганлар. Мен ҳам Сизни кутламоқ истадим:

Муҳтарам Академиямиз аҳли жамоаси, ҳамкасбаларим, устозларим, илм толиблари, ҳаммангизни мустақил юртимизнинг энг улуғ ва энг гўзал байрами – Наврўзи айём билан дилдан қутлайман, Янги кун – Янги йилнинг ибтидоси ҳаммамизга шараф ва омадлар, офиятлар келтирсин! Улуғ ислохотларнинг бошида турган раҳбарларимизнинг ишлари хайрли бўлсин! Буюк шоирларимизни илҳомлантирган Кўктамойим менинг ҳам қалбимга сархушлик ва беҳудлик солди, Сиз билан баҳам кўрсам майлими?

*Боболарим бешиги узра,
Чучмомолар сочган Наврўзсан!
Гулға белаб отам қабрини,
Меҳр билан кучган Наврўзсан!
Уч минг йиллик довондан юрган,
Уйғонишни ерга буюрган.
Бўзсувларнинг тошқинин кўрган,
Қадимий бир маскан – Наврўзсан!
Қотган эди бўғимда сўзим,
Йиллар кечди топмадик тўзим,
Маширабларни кўрган ҳам ўзине,
Ҳақсизликдан қочган Наврўзсан!
Қиш чоригин ямаб тузатган,
Ҳар нафсга ризқ-рўз узатган.
Бобирини Ҳиндага кузатган
Қалб кўзимни очган Наврўзсан!
Бисёр эди Сени кутганлар,
Етишолмай кўплар ўтганлар.
Онам сендан рози кетганлар,
Рухлар билан учган Наврўзсан!
Дуо қилдим саҳармардон пайт.
Эй сен Илоҳ – битилмаган байт!
Бошимизга мине мартабалаб қайт,
Кавсар сувин ичган Наврўзсан!*

Алижон ЗОҲИДИЙ,
Турон Фанлар академияси академиги,
Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
тиббиёт фанлари номзоди.



ЭЛ АРДОҚЛАГАН ШОИРА

Юрта кўктам сепини ёйиб кириб келди, табиат камалак ранглиридан ранг олиб қалбларни гўзалликдан энтиктирмоқда. Кўнглимиз, юрагимиз асл баҳорни соғинди. Шоира Зулфияxonим айтганидек, ўрик гулларининг мафтунлиги бўлиб турибмиз. Баҳорнинг жозибаси она Ватаннинг кенг адирлари, қирлари, лолақизгалдоқлари тўла бағри билан уйғунлашиб бормоқда. Бизнинг юртимизда баҳор Зулфияxonим ва Зулфияxonим қизлари деган сўзлар билан кутбларини бирлаштиради!

Мана бу йил ҳам ҳар йилгидек 1 март куни Тошкент шаҳрининг Миробод туманида жойлашган Зулфия боғи ўзгача бир шукҳ билан безатилди. Бу боғда эл севган, вафодорлик рамзи бўлган шоиранинг издошлари, қолаверса юртдошлари, мухлислари тўпланди. Ушбу кун шоира ҳаёти ҳақида унинг яқинлари, шоир-у адиблар кўп илиқ гаплар айтдилар.

Ўзбек халқининг севимли шоираси, таниқли жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири Зулфия Исроилова 1915 йили 1 мартда Тошкентда, ҳунарманд оиласида туғилди. У хотин-қизлар билим юртида ўқиган вақтларидаёқ (1931-1934) адабий тўғрақларга қатнашиб, шеърлар машқ қилади. Зулфиянинг ижодий камолотида ўзбек ва рус классиклари, халқ оғзаки ижодиёти ва жаҳон адабиёти анъаналарининг роли бениҳоя бўлган.

Шоира “Шеърлар” ва “Қизлар кўшиғи” (1938), “Уни Фарҳод дердилар” (1943), “Ҳижрон кунларида” (1944), “Далада бир кун” (1948), “Тонг кўшиғи” (1953) каби шеърлар туркуми, шунингдек, “Мен тонгни куйлайман”, “Юрагимга яқин кишилар” (1958), “Куйларим сизга” (1965) тўпламларида Ватан мадҳи, меҳнат жараёнида фидокорлик кўрсатаётган кишилар ҳаёти жўшиб куйланади. Шоира ўзининг “Уйлар”, “Шалола” каби шеърини тўпламлари учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти сазовор бўлган.

Ўзбекистон халқ шоири, таниқли жамоат арбоби, Жавоҳарлаъл Неру номидаги халқаро мукофот соҳибаси, халқаро “Нилуфар” мукофоти совриндори Зулфия Исроилованинг маънавий дунёси юксак баҳоланиб, унинг вафотидан сўнг 1999 йилнинг 10 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги

нафари таълим йўналишларидаги ютуқлари учун ушбу мукофотга сазовор бўлган. 38 нафари спорт бўйича ютуқлари учун мукофотга муносиб кўрилган. Шулардан 8 нафари Ўзбекистон Президенти стипендияси, 11 нафари Навоий ва Ибн Сино стипендиялари совриндорлари. Мукофотланганларнинг 81 нафари Осиё, жаҳон ва бошқа турли халқаро мусобақа ва танловларда голибликни қўлга киритган.



2326-сонли Фармони асосида Зулфия мукофоти таъсис этилди.

Мукофот воситасида ўзининг аъло хулқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этиб келаётган иқтидорли қизларнинг сафи янада кенгайиб, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиши ва жамият ҳаётида ўз ўрнини топшига кенг имкониятлар яратилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлирида таълим олаётган 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун берилди.

Бугунги кунда мукофотга сазовор бўлган қизларнинг сони 240 нафарга етди. Уларнинг 51 нафари адабиёт, 67 нафари маданият, 42 нафари санъат, 24 нафари фан, 42

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Зулфия ҳаёти ва ижодига бағишлаб яратилган zulfiyaxonim.uz веб-сайтнинг яратилгани улкан ижтимоий воқеа бўлди. Сайт 10 та бўлим, 20 та рукндан иборат бўлиб, унга 1000 га яқин маълумотлар, 150 га яқин адиб ва замондошларимиз ҳамда қардош халқларнинг адабиёт вақилларининг Зулфияxonим ҳақидаги фикрлари, ижод намуналари, илмий-адабий мақолалари киритилган. Шоиранинг 100 дан ортиқ шеърлари матнлари, аудио ва видеолари мужассам. Сайтнинг ўзбек, рус ва инглиз тилидаги версияларининг яралишида адабиёт, таълим йўналишларида мукофотга совриндор бўлган қизларнинг салоҳиятидан фойдаланилди.

Пола АБДУКАДИРОВА,
ТТА ХҚҚ раиси

“ЭКОЛОГИЯ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ” ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДАГИ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛИ

Илм-фаннинг жадал суръатлар билан тараққий этиши, таълим жараёнини ва илмий тадқиқот ишларини уйғунлашган ҳолда илғор хорижий тажрибаларга таяниб олиб борилишини талаб этади.

Тошкент Тиббиёт академияси бир қанча хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ишларини амалга оширмоқда. Тошкент Тиббиёт академияси ва Корея университети ўртасида 2016-2020 йилларга мўлжалланган халқаро илмий грантни академияда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг бири сифатида эътироф этиш мумкин. Мазкур “Экология ва инсон саломатлиги” лойиҳаси доирасида экологик ва атроф-муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш бўйича олий малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда инсон организмга таъсир этувчи атроф-муҳит омилларини ўрганиш, уларнинг зарарли таъсирини камайтириш ва касалликлар профилактикаси йўналишларидаги ишлар ташкил этилган атроф-муҳит ва соғлиқни сақлаш кафедраси ҳамда гигиеник йўналишдаги кафедралар билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Жумладан, ўқув жараёнини интеграция қилиш бўйича ўқув режа ва фан дастурлари қайта кўриб чиқилди.

Корея университети профессорларининг 2017 йил 16 - 20 январь кунларидаги Тошкент Тиббиёт академиясига ташрифи давомида тиббий профилактика факультети 5 курс талабаларига “Out line”, “Toxic factor”, “Working environment measurement”, “Analysis”, “Health care”, “Measurement”, “Ventilation” ва “Based space work” ва бошқа мавзуларда маърузалар ўқилди.

Ҳозирги вақтдаги долзарб мавзулардан ҳисобланган атроф-муҳитнинг ифлосланиши, иш жойлари ва саноат корхоналарининг зарарли омиллар билан зарарланиши, бунинг олдини олиш ва бартараф этиш учун қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлиги ҳақида педагог ходимлар ҳамда талабалар билан суҳбатлар ўтказилди.

Шунингдек, ходимлар ва талабалар Корея университетида бакалавриатура, магистратура ва докторантурада таълим олиш тартиби ва илмий ишларни бажаришга қўйиладиган талаблар билан танишдилар ҳамда танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар топширмоқдалар.

“Экология ва инсон саломатлиги” лойиҳасининг боришини баҳолаш учун Корея таълим вазириликдан Mr. Ye Byung Chul, Корея миллий тадқиқотлар фондидан Mr. Kwak Hwan, консалтинг экспертлар Lee Seung Pyo, Park Hwan Bo, Корё университетидан Choi Jae Wook, Kim Kyung Hee, Lee Hye Min, Ms. Lim Hee Jinларнинг 2017 йилнинг 13-17 февраль кунларида Тошкент Тиббиёт академиясига ташриф буюришди ва бу ташриф самарали ўтди.

Шу ўринда дунёда пайдо бўладиган касалликларнинг - 24%, юз берадиган ўлимларнинг эса 23% атроф-муҳитдаги олди олиними мумкин бўлган омилларнинг зарарли таъсири сабаб бўлаётганини, ушбу нохуш ташқи муҳит омилларни аниқлаш ва уларнинг инсон организмга салбий таъсирини камайтиришга қаратилган профилактика ва соғломлаштирувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиш турли мутахассислар ҳамкорлигида врач экологлар бошчилигида амалга оширилишини қайд этиш керак.

Ҳозирги кунда Тошкент Тиббиёт академиясида Корея университети билан ҳамкорликда “тиббий экология” магистратура йўналиши очилиши бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Бакалавриатура битирувчиларини экология ва атроф-муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш ҳамда инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли ишларни амалга оширадиган мутахассисларни тайёрловчи “тиббий экология” магистратура йўналишда таълим олишга таклиф этамиз.

Ш.БОЙМУРАДОВ,
Тошкент Тиббиёт академияси илмий ишлар бўйича проректор,
профессор
Ф.САЛОМОВА,
Умумий ва радиацион гигиена кафедраси мудири

